**Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун**

**ШАРТНОМА**

2022 йил "____" ________ сон ________________
(шартнома тузилган манзил)

Наманган Ҳудудий Электр Тармоқлари Корхонаси акциядорлик жамияти ________ электр таъминоти корхонасида "________" асосида фаолият юритувчи раҳбари ________________ (кейинги ўринларда "**Корхона**" деб аталади)
(электр таъминоти корхонаси раҳбарининг Ф.И.О.)

бир томондан ҳамда ________________ асосида фаолият юритувчи ________________ раҳбари ________________
("Истеъмолчи"нинг номи) ("Истеъмолчи" раҳбарининг Ф.И.Ш.)

(кейинги ўринларда "**Истеъмолчи**"деб аталади), хисоб рақами – 470156 иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

## I. Шартнома предмети

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - Шартнома деб аталади) мувофиқ, Корхона Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда - энергия деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

## II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш

2.1. Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:
Актив 12000 кВт.с. реактив — кВар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг Шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 5400000 сўмни, тариф(лар) бўйича 750
***тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг рўйхатида кўрсатилган махсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (кераклиси ёзилсин)***
ташкил этади.

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик хажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини хисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, Корхона томонидан Бюро билан хамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

## III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги "Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3379-сонли қарорининг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган куввати 750 кВА ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос станциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштириладиган насос станциялари бундан мустасно) Энергия учун ҳисоб-китобларни сутка вақтларининг табақалаштирилган тариф бўйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учн табақалаштирилган тариф бўйича хисоб-китоблар:

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9:00 дан 17:00 гача) – белгиланган тариф бўйича,